



## ЧАҚАЛОҚ САВДОСИ ЖИНОЯТИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ ОМИЛЛАРИ ВА ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

С.Ш.Юлдашева

Ўзбекистон Республикаси ИИВ

Академияси З-босқич 321-гуруҳ курсанти

**Аннотация:** Чақалоқ савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти хотин-қизлар томонидан содир этилаётгани аянчлидир. Ушбу ҳолатга қўл урган хотин-қизларнинг ижтимоий ҳолати ўрганилганда, уларнинг кўпчилиги бугун оғир турмуш шароитида ва моддий қийинчиликда яшаётгани, ижтимоий қўллаб-куватлаш ҳамда психологик ёрдамга муҳтожлиги аниқланди.

**Аннотация:** Очень печальная ситуация, что большинство преступлений, связанных с торговлей детьми, совершаются женщинами. При изучении социального положения женщин, совершивших данное преступление, было установлено, что большинство из них живут в тяжелых бытовых условиях и в материальном затруднении, нуждаются в социальной поддержке и психологической помощи.

**Annotation:** It is a very sad situation that most of the crimes related to baby trafficking are committed by women. When studying the social status of the women who committed this crime, it was found that most of them live in difficult living conditions and in financial difficulties, and need social support and psychological help

Жаҳонда одам савдоси - глобал муаммо. Баъзи давлатлар бошланғич, баъзилари транзит ёки сўнги манзил сифатида ҳаракат қилишади. БМТнинг статистик маълумотларига қўра, одамлар камида 127 мамлакатдан сотувга чиқмоқда ва улар 137 давлатда эксплуатация қилинмоқда. Ҳар йили турли ҳисоб-китобларга қўра, 20-40 миллион нафар шахслар қулдорликнинг замонавий шакли қурбонига айланяпти.

Шу билан бирга, мазкур муаммонинг аниқ қўламини билиш жуда қийин, зеро жиноий фаолият яширин содир этилади, одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг аниқ статистик маълумотлар мавжуд эмас. Халқаро доирада одам савдоси қурбонларининг атиги 0,04 фоизигина аниқланмоқда.

Жабрланувчилар хар қандай ёш, ирқ, жинс ва миллатга мансуб бўлиши мумкин. Одам савдоси билан шуғулланувчилар “маҳсулот” учун зўравонлик, манипуляция, пуллик иш вайда қилиш ёки романтик муносабатлардан фойдаланиш мумкин. Одам савдоси жиноятлари ичida энг хавфли тури бу, шубҳасиз, чақалоқ савдосидир. Бола савдоси қурбонлари сифатида, кўпчилик ҳолатларда, энди туғилган чақалоқлар, ота-онаси, қаровчиси йўқ болалар, яхши



таълим олмаган, қашшоқлик даражасига тушиб қолган ёки ишсиз оиласарда ўсган, зўравонликни бошдан кечирган болалар танланади. Улар орасида уйсизлар, уйдан қочиб кетган болалар ёки ногиронлар ҳам бўлиши мумкин. Бола савдоси, умуман одам савдоси жуда фойдали бизнес ҳисобланади, унда қўлга тушиш хавфи ноқонуний қурол савдосидаги каби катта эмас. Чунки бола савдоси қурбонлари ушбу жиноятнинг моҳиятини тўла англаб етмаганлиги сабабли ўзлари ҳақида гапиришмайди, сотиб олувчилар ҳам ўзларини реклама қилишмайди.

Одам савдоси трансмиллий жиноятлар қаторига киритилган ва у инсон ҳуқуқларини қўпол равишда бузиш ҳисобланади. Мамлакатлар бу жиноят учун жазони мустақил равишда белгилайдилар. Одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонуни дастлаб 2008 йилда қабул қилинганди. Кейинчалик, 2022 йил 17 августда бугунги қун ислоҳотларига монанд, яъни инсон ҳуқуқлари энг олий қадрият деб тан олинган янги Ўзбекистонда ушбу соҳада ҳам ислоҳотларнинг натижаси сифатида янги “одам савдосига қарши курашиш тдўғрисидаги Қонун” и қабул қилинди. Қонунда одам савдосига қарши курашиш бўйича муҳим тамойиллар белгиланиб, асосий тушунчаларга аниқ таъриф берилган. Бу ўз навбатида, одам савдоси билан шуғулланувчиларни жиноий таъқиб этиш, шунингдек, жабрланувчиларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашда қонуний асос бўлиб хизмат қиласади. Миллий қонунчиликда илгари бўлмаган одам савдоси жабрдийдаларини идентификация қилиш ва уларни қайта йўналтириш тушунчалари алоҳида бобда акс этган. Вояга етмаганлар савдосининг олдини олиш ҳам муҳим жиҳат ҳисобланади. Қонун одам савдоси жабрдийдалари бўлмиш фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш ҳамда давлат органлари ташаббускорлигини ошириш, одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси бошчилигига ваколатли органларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлашга хизмат қиласади. Ва энг муҳими, одам савдосига қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги холис ва тўғри маълумотларни кенг жамоатчилик ҳамда халқаро ҳамжамиятга етказишга кўмаклашади.

Хозир республикамизда 9 мингдан ортиқ нодавлат-нотижорат ташкилотлари мавжуд. Уларнинг юзга яқини одам савдосига қарши курашиш борасида иш олиб бормоқда. Қонунда мазкур йўналишга доир фаолиятни амалга ошираётган давлат органларига кўмаклашувчи ташкилотлар қаторида нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳам белгиланди. Уларнинг ваколат ва вазифалари аниқ кўрсатилди.

Одам савдосига қарши курашишда алоҳида йўналишлардан бири-чақалоқлар савдоси. Чақалоқлар савдоси билан боғлиқ ҳолатлар ё аввал

эълон қилинмаган ёки ҳозирги кунда кўпайиб кетди. Маҳаллий оммавий ахборот воситаларида айни мавзу кенг ёритилмоқда. Тергов органлари тақдим этган маълумотлардан Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида одам савдоси, хусусан чақалоқлар ва болалар савдоси жиноятлари фош этилганлигини кўриш мумкин.

Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида чақалоқлар ва бололар савдоси билан боғлиқ жиноятлар фош этилмоқда. 2022 йилда одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар 2021 йилга нисбатан 24 фоизга камайган, аммо чақалоқлар савдоси 40 фоиздан 43 фоизгача ошган.

Сенат раиси Танзила Норбоева чақалоқлар савдосида восита чиларнинг учдан икки қисми (32 фоизи) тиббиёт ходимлари эканини таъкидлаган.

“Одам савдосида фақатгина аёллар ёки бир киши айбдор эмас. Унга шароит яратиб бераётган, шу нарсага ундаётган муҳит ҳам борлиги маълум. Бундай ҳолат ўзбек жамияти учун бу масалага бошқача ёндашишимиз кераклигини кўрсатади”, дейди сенат раҳбари. Сенатор Ўзбекистонда аввал ҳам одам савдоси ҳолатлари бўлгани, бироқ мавзу ёпиқлигича қолдирилгани таъкидланган.

Афсуски, Ўзбекистонда чақалоқлар савдосига оид кўплаб ҳаётий мисоллар мавжуд: 2022 йилда чақалоқ савдоси билан боғлиқ жиноятлар 72 нафар шахс томонидан содир этилган. Қуйидагилар ушбу рўйхатдан айрим мисоллар:

Ўтган йилнинг 23 июн куни Хоразм вилояти ИИБ ТЭҚКБ одам савдоси ва ноқонуний миграцияга қарши курашиш бўлими томонидан ўтказилган тезкор тадбир давомида Урганч шаҳрида яшовчи “Л” ва “М” исмли шахснинг 2022 йил май ойида туғилган чақалогиги 18 минг АҚШ долларига сотаётган вақтда қўлга олинган. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилган.

Мазкур ҳолатларнинг келиб чиқиши сабаблари ўрганилганда, 19 ҳолат бўйича оиласи ойлави шароити оғирлиги, болани боқишга имконияти йўқлиги, 3 та ҳолатда уй-жой олиш, 9 ҳолатда ўз айбини яшириш, 10 та ҳолатда моддий манфаат учун бунга қўл ургани маълум бўлмоқда.

Шунингдек, ИИВ Департаменти маълумотларига кўра, чақалоқ савдосига қуйидаги омиллар сабаб бўлмоқда:

- боланинг онаси ижтимоий ҳимояланмагани ва моддий эҳтиёжлари таъминланмаганлиги;
- турмушга чиқмаган аёллар ҳомиладор экани ҳамда чақалоқни оиласидан яширишга уриниш;
- фарзанд кўрмаган оиласалар томонидан чақалоқ асраб олишга эҳтиёж мавжудлиги;
- чақалоқ савдосининг олдини олишга қаратилган мукаммал ҳукуқий асоснинг йўқлиги сифатида белгиланган.

Хоразм вилоятида нодавлат ташкилотнинг ишонч телефонига 18 нафар фуқаро одам савдоси қурбони бўлганлиги маълум қилинди.

Республика “Истиқболли авлод” ижтимоий-ахборот марказининг Хоразм вилояти бўлими - Ўзбекстонда одам савдосига қарши курашаётган 100 дан ортиқ нодавлат-нотижорат ташкилотларидан бири. ННТ томонидан одам савдоси ва ноқонуний миграцияга қарши курашиш, одам савдосидан жабрланган шахсларни реабилитация қилиш борасида 2023 йилнинг дастлабки 3 ойига қадар бир қанча ишлар амалга оширилди.

Марказнинг “Муаммоларнинг ижобий ечими” тармоғига жами 1536 та мурожаат келиб тушган.(ННТнинг 2022 йил 8 ойидаги фаолияти ҳақидаги маълумотга асосан). Шу мурожаатлардан 745 таси эркакларники бўлса, 791 таси аёлларнидир. Мазкур қўнғироқлар бўйича фуқароларнинг 896 нафарига турли йўналишлар бўйича ҳукуқий маслаҳатлар берилган.

ННТ томонидан 98 нафар фуқародан мурожаатлар қабул қилиниб, таҳлил этилганда, улардан 89 нақарига ҳукуқий маслаҳатлар бериш сўралган, 13 нафарини эса ватанга қайтариш сўралган, 15 нафари одам савдоси қурбони бўлганлиги маълум қилинган, 12 нафарининг номусига тегиш ҳақидаги мурожаати келиб тушган. Мурожаатлардан 4 та ҳолат бўйича жиноят иши қўзгатилган.

Хулоса қилиб айтганда, одам савдоси, хусусан чақалоқ савдосининг олдини олишда биринчи навбатда мавжуд қонунчиликда фарзанд асраб олиш билан боғлиқ қонун нормаларини соддалаштириш, талаб қилинадиган ҳужжатлар сонини қисқартириш ҳамда фарзандликка олиш жараёнини осонлаштириш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, шунингдек бу борада қонунчиликдаги жавобгарликни кучайтириш лозим.